O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 3105091

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 12-may • Seshanba • 57 (29.018) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Юртимизда 351 Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу мамлакатнинг 91 фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак 10 май куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги масофа анча узоқ. Лекин мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда икки томонлама манфаатдорлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат мавжуд бўлса, масофа ўз аҳамиятини йўқотади. Ўзбекистон — Корея муносабатларининг бугунги ҳолати бу фикрнинг ёрқин тасдиғидир. Ли Мён Бакнинг ушбу ташрифини олий даражадаги мулоқотларнинг мантиқий давоми, дейиш мумкин. Чунки 2008 йилнинг ўзида Ўзбекистон ва Жанубий Корея Президентлари икки марта учрашган.

Давлатлараро муносабатлар ривожланиш йўлидан борар экан, турли мақомдаги мулоқотлар изчил давом этаверади. Зеро, тараққиётга интилган ҳар бир мамлакат ишончли шериклар билан ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарияти ҳамфикр эканига, муносабатлар негизида ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат мужассамлигига Ли Мён Бакнинг мазкур ташрифи ёрқин далилдир.

11 май куни Дўрмон қароргоҳида Корея Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат байроқлари кўтарилиб, давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Ли Мён Бак фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Президентларнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Ислом Каримов ва Ли Мён Бак мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу саммит Жанубий Корея Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдорлигининг яна бир ёрқин далолати эканини, айни пайтда Тошкент ҳам Сеул билан ҳамкорлик алоқаларини юксак қадрлашини таъкидлади.

Ли Мён Бак Ўзбекистонга таклиф этгани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, ушбу учрашув ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини таҳлил этиш, истиқболда ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашиш учун қулай имконият эканлигини қайд этди.

Президентлар хавфсизлик масалаларига алоҳида тўхталдилар. Халқаро тероризм ва экстремизмга, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашдаги ҳамкорлик, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқаро сиёсат майдонида бир-бирининг ташаббусларини ёқлаб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Ўзбекистон БМТ органларига, жумладан, Бош котиб лавозимига Корея Республикасининг номзодларини ёқлаган. Жанубий Корея Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқот ва Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишда Ўзбекистонни, «Sky Team» сафидан жой олишда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясини қўллаб-қувватлаган. Умуман, сиёсий ҳамкорлик – икки мамлакат раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиш механизми йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, Тошкент Сеулнинг Корея яриморолидаги муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш масаласига ёндашувини, Корея Республикаси раҳбариятининг «Янги Осиё дипломатияси» ташаббуси ҳамда энергетик стратегиясини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон раҳбари ташаббусининг самараси — Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудудга айлангани Сеулда юксак қадрланади.

Иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Жанубий Корея нефть-газ, кончилик, машинасозлик, автомобилсозлик, тўқимачилик, логистика, кимё саноати, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва қатор бошқа соҳаларда кенг кўламли қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Корея қўшма қўмитаси мунтазам йиғилишлар ўтказиб, алоқаларнинг янги қирраларини очиш, мазмунини бойитиш, савдо ва сармоя ҳажмини ошириш масалаларини кўриб чиқади. Энергетика ва табиий ресурслар бўйича идоралараро қўмита тузилган.

Ислом Каримов ва Ли Мён Бак икки томонлама муносабатлар 2006 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида ривожланиб бораётганини таъкидладилар. Ушбу ташриф Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаришига ишонч билдирилди.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий, сармоявий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан биридир. Унинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошади. Айниқса, нефть-газ, кончилик, нефть кимёси, логистика, қурилиш соҳаларида катта-катта лойиҳалар бор. Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт негизида барпо этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона ҳам бунга яхши мисолдир. Ушбу зонадаги қитъалараро интермодал логистика маркази МДҲда ягона бўлиб, у ерда юклар тез-корлик билан туширилади ва ортилади, тақсимланади, махсус омборларга жойлаштирилади. Осиёдан Европага ва Европадан Осиёга жўнатиладиган юклар глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланадиган ана шу марказдан ўтади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Жанубий Кореядан лизинг асосида иккита «А 300-600 F» юк самолёти олиб, логистика маркази ихтиёрига берди. Бу билан марказнинг салоҳияти юксалиб, унинг учун дунёдаги барча юк бозорларига йўл очилди. Қирқ тоннагача юк кўтарадиган «А 300-600 F» самолётлари етти минг километр масофани тўхтамасдан босиб ўта олади.

Таъкидлаш жоизки, хорижда мазкур эркин индустриал-иқтисодий зонага қизиқиш кучайиб бормоқда. Жорий йил март ойида Сеулда Ўзбекистонда сармоявий ҳамкорлик соҳасидаги янги имкониятларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Кореялик ишбилармонлар эркин индустриал-иқтисодий зонадаги қулайлик ва имтиёзлар билан атрофлича таништирилди. Натижада умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан ошадиган 35 сармоявий лойиҳа бўйича келишувларга эришилди.

Ўзбекистон айнан Жанубий Корея билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришнинг мураккаб, энг илғор технологиялар талаб қиладиган, тайёр маҳсулоти юксак даражадаги қўшимча қийматга эга бўлган турини ўзлаштириб, дунёдаги саноқли автомобилсоз давлатлар қаторидан ўрин олди.

Савдо алоқалари борасида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида 1992 йилдан энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинганини таъкидлаш жоиз. 2008 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми рекорд кўрсаткич — 1 миллиард 56,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Юртимизда 351 Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу мамлакатнинг 91 фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Музокарада Ислом Каримов ва Ли Мён Бак савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолатига юксак баҳо бердилар. Шу билан бирга, ҳозирга қадар эришилган натижалар Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг салоҳият ва имкониятларини тўлиқ акс эттирмаслиги таъкидланди. Корея Республикаси Президенти Ўзбекистонга нуфузли корейс ишбилармонларининг йирик делегацияси билан бирга келганининг боиси ҳам шунда. Музокарада имкониятларни тўла ишга солиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Гуманитар ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. 1992 йилдан Тошкентда Корея таълим маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида Корейс тили ва маданияти марказлари, Тошкент ахборот технологиялари университетида Ахборот технологиялари маркази очилган. Тошкентда «Ўзбекистон — Корея» касбга тайёрлаш марказини очиш лойиҳаси таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг яна бир муваффақияти бўлди. У ерда ҳар йили 360 йигит-қиз компьютер йиғиш, графика, электротехника, қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш, автомобилларга хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича таҳсил олади.

1999 йили Тошкентда очилган «Ўзбекистон — Корея Республикаси» дўстлик жамияти маданий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Мунтазам равишда фестиваль, кўргазма, концерт ва бошқа кўплаб маданий тадбирлар ташкил қилинмоқда. Корея Республикасида ўтказилган «Марказий Осиё нафосати» фотокўргазмаси, «Суғдиёна» ансамблининг «Ипак йўли руҳияти» концерти, «Ипак йўли» фестивали, ҳар йили Тошкентда бўладиган Корея маданияти ҳафталиги шулар жумласидандир. Кореялик хонанда ва созандалар Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида доим фаол иштирок этади.

Мулоқот чоғида бу йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

Музокара якунида Ислом Каримов ва Ли Мён Бак Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикасининг Қўшма баёнотига имзо чекдилар.

(Давоми 2-betda)

ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида 11 май куни пойтахтимизда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, банк-молия, нефть-газ, авиасозлик, қурилиш, машинасозлик, авиаташув, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология ва минерал ресурслар, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, мебелсозлик, соғлиқни сақлаш, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, суғурта, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, сайёҳлик ҳамда фан-таълим соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Корея Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Сон Кёнг Шик мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар қатори иқтисодий соҳада ҳам изчил тараққий этаётганини, мазкур форум ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очишга хизмат қилишини таъкидлади. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан бири. Мазкур мамлакатнинг Ўзбекистонга шу вақтгача киритган жами сармояси икки миллиард АҚШ долларидан ошади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея иқтисодий соҳада улкан салоҳиятга эга давлатлардир. Хусусан, Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, жўғрофий жойлашуви, замонавий транспорт коммуникациялари, юксак интеллектуал салоҳияти, қулай сармоявий муҳити, замонавий технологияларни изчил ўзлаштириб бораётгани ҳамда юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик кўплаб давлатларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда.

Ўзбекистон ва Кореянинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2008 йили бир миллиард АҚШ долларидан ошди. Бу эса Ўзбекистон — Корея иқтисодий ҳамкорлиги жадал ривожланаётганининг ёрқин тасдиғидир. Ўзбекистонда кореялик ҳамкорлар билан ташкил этилган 351 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг 91 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Юртимизга Жанубий Кореянинг кўплаб йирик фирма ва компанияларидан юздан зиёд вакил келгани Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит уларнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга эътиборини кучайтираётганидан далолатдир.

Форумда кореялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг нефть-газ, банк-молия, сайёҳлик, автомобилсозлик, авиасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ва сув хўжалиги каби соҳалардаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ялпи ички маҳсулотнинг мунтазам ўсишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

— Ўзбекистон — иқтисодиёти изчил ривожланаётган мамлакат. Биз юртингиз ишбилармонлари билан ҳамкорликни юксак қадрлаймиз. — деди Сон Кёнг Шик. — Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар қарор топган, савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Дунёда иқтисодий инқироз ҳукм сураётганига қарамай мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми тобора ошиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир. Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонларнинг муваффақиятли иш юритиши учун барча шароит, имконият ва имтиёзлар яратилгани икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бизнес-форумда Жанубий Корея фирма ва компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Корея ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Хусусан, «Кейби», «Сеун Сталь», «Хюндай Мотор», «Кореан Эйр», «Хаинтекс», «Роуд Интернэйшнл», «Дэу Интернэйшнл», «Донгиль Констракшн» каби компаниялар вакиллари Ўзбекистон бозоридаги ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш ниятида эканлигини қайд этди.

Бизнес-форум якунида нефть-газ, мебелсозлик, электрон маҳсулотлар, қурилиш, тўқимачилик, минерал ресурслар, фан-таълим, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари каби соҳаларда ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

❖ Фракция фаолияти

БОЛАЛАР МЕҲНАТИГА ОИД

қонунчилик такомиллашади

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

— 2008 йил 4 апрелда мамлакатимизда Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)-нинг «Ишга қабул қилишда энг кичик ёш тўғрисида»ги (1976 йил 26 июнь, Женева) 138-сонли Конвенцияси ратификация қилинган эди, — деди мазкур масала юзасидан маъруза қилган Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Алия Юнусова.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 12 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1118,97	1 Малайзия рингити	416,73
1 Англия фунт стерлинги	2218,54	1 Польша злотийси	459,25
1 Дания кронаси	267,48	1 СДР	2190,69
1 БАА дирхами	397,02	1 Туркия лираси	947,02
1 АҚШ доллари	1458,13	1 Швейцария франки	1322,45
1 Миср фунти	259,52	1 Евро	1991,08
1 Исландия кронаси	11,68	10 Жанубий Корея вони	11,82
1 Канада доллари	1268,71	10 Япония иенаси	148,46
1 Хитой юани	213,80	1 Россия рубли	44,79
		1 Украина гривнаси	188,98

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

• ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ:

ТАЪМИНОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ёки унинг ҳуқуқий асослари ҳақида

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялашган

• «SMS» ЖЎНАТАЁТИБ

ҲАЛОКАТГА ЙЎЛИҚДИ

3-бет

• ҲУНАРИ БОР КАМ БЎЛМАЙДИ

Самарқанд шаҳридаги вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази ёшларнинг севимли масканига айланган...

4-бет

ЎЗБЕКИСТОН – ЖАНУБИЙ КОРЕЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Корея Республикаси ҳукумати ўртасида дипломатик паспортга эга фуқароларнинг визасиз сафар қилиши тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Жанубий Корея Экспорт-Импорт банки ўртасида Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси (Корея Эксимбанки) томонидан «В.Воҳидов номидаги жарроҳлик марказини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан қўшимча равишда жиҳозлаш» лойиҳаси учун 10 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратилиши тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Корея Саноат мажмуалари корпорацияси ўртасида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасига Корея сармоясини жалб қилишнинг қўшма чора-тадбирлари тўғрисидаги англашув меморандуми, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Корея миллий нефть корпорацияси ўртасида биргаликда Фарғона минтақасида сармоявий блок ишлаб чиқиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар. Матбуот анжуманида музокаралар самимий рухда, ишчан кайфиятда ўтгани, эришилган келишувлар икки мамлакат тараққиётига, Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқларининг фаровонлигига хизмат қилиши таъкидланди.

— Ли Мён Бакнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи ўзаро муносабатлардаги муҳим воқеа, икки мамлакатда ҳам ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга интилиш бир хилда кучли эканининг яна бир тасдиғидир, — деди Ислом Каримов. — 2008 йилда товар айирбошлаш ҳажми қарийб 80 фоиз ўсгани, Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган Жанубий Корея сармояси муттасил ортиб бораётгани ҳамкорликнинг суръатини яққол кўрсатиб турибди.

— Ўзбекистон Республикаси Жанубий Кореянинг Марказий Осиёдаги муҳим шеригидир, — деди Ли Мён Бак. — Музокарада икки томонлама муносабатларга доир масалалар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдик. Кўрилган масалалар юзасидан фикримиз бир жойдан чиқди. Бу бизни қувонтиради. Дунёда иқтисодий инқироз ҳукм сураётганига қарамай, Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ўсиб бораётганига гувоҳ бўлдик. Бу Президент Ислом Каримов юритаётган оқилона сиёсат самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди.

Куннинг иккинчи ярмида Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Олий мартабали меҳмон Мустақиллик майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиб, у том маънода ўзбек халқи ҳурриятининг тимсолига айланганини қайд этди.

Ли Мён Бак, шунингдек, Хотира майдонини зиёрат қилди. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган "Хотира китоби" билан танишди.

Икки мамлакат Президентлари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ташриф буюрди. Жанубий Корея раҳбари ушбу олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди, университет фаолияти, ўқув жараёни, таълим тизими билан танишди. Университет замонавий жиҳозланганига, талабалар учун яратилган шароитга юксак баҳо берди.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакка Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг фахрий доктори унвони берилди.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда)

ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ:

ТАЪМИНОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ёки унинг ҳуқуқий асослари ҳақида

Маълумки, бугунги кунда ер юзидаги ҳар ўнта инсондан тўртинчиси ичимлик суви танқис бўлган ҳудудда яшамоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг берган маълумотига кўра, бугунги кунда ичимлик суви етишмовчилигидан жаҳоннинг 43 мамлакатидаги 700 млн. аҳолиси азият чекмоқда. 2025 йилга келиб бу кўрсаткичнинг 3 млрд.дан ортиши кутилмоқда. Рақамларга аҳамият берадиган бўлсак, 1991-2000 йиллар оралиғида дунё бўйича 665 000 дан ортиқ инсон табиий камбағалликдан вафот этган бўлиб, ана шулардан 90 % и ичимлик суви етишмовчилиги билан боғлиқдир. Яна бир рақамга диққатимизни қаратадиган бўлсак, ҳар йили дунёнинг 1,2 млрд. аҳолиси тоза сифатли ичимлик сувидан фойдалана олиш имкониятига эга эмасликдан азият чекса, 3 млн.дан ортиқ инсон эса ичимлик суви таркибида мавжуд касалликлар натижасида вафот этмоқда. Ҳавонинг глобал даражада исиши натижасида 2080 йилга келиб, ер шарида қарийб 3,2 млрд.га яқин инсон ичимлик суви етишмовчилиги муаммосига тўқнаш келади. Ичимлик суви тақчиллиги муаммосига ўтган асрнинг 90-йиллариданоқ бир қатор давлатлар жумладан, **Алжир, Жибути, Қатар, Саудия Арабистони, Тунис, Яман, Бирлашган Араб Амирлиги** каби давлатларда дуч келинган бўлса, 20 йилдан сўнг бундай аҳволга **Миср, Эрон, Ливия, Марокаш, Уммон ва Сурия** давлатлари дуч келади.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти Бош Директори **Маргарет Чен** қуйидаги маълумоти билан халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини жалб қилди: ҳар йили ер юзида 1,6 млн. одам тоза ичимлик суви истеъмол қилмаслиги натижасида ва бунга имконият йўқлигидан ҳаётдан кўз юмар экан, уларнинг 90% га яқинини 5 ёшгача бўлган болалар ташкил қилиши ҳамда бу ҳолат айнан ривожланаётган давлатлар ҳудудида юз бераётгани ачинарли ҳолдир. Шу сабабли ичимлик суви муаммосига эътибор қаратиш учун 2003 йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан **Халқаро ичимлик суви йили**, 22 март эса ҳар йили **Халқаро сув куни** деб эълон қилинди. Мазкур санадан эътиборан то бугунги кунга қадар жаҳон миқёсида турли халқаро ташкилотлар томонидан ичимлик сувини муҳофаза қилишга қаратилган олий даражадаги учрашув, семинар ва конференциялар амалга оширилиб келинмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакат аҳолисини марказлашган тармоққа уланган тоза ичимлик суви билан таъминлашга устувор вазифалардан бири сифатида қаралиб келинмоқда. Шу сабабли истиқлолнинг дастлабки йилларидан эътиборан, республикамиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган қатор ҳуқуқий асослар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонунлари шулар жумласидандир.

Аҳолини тоза, сифатли, халқаро санитар талабларига жавоб берадиган ичимлик суви билан таъминлаш масаласи бугун ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонунида давлат идоралари, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар марказлаштирилган тизимлар орқали етказиб бериладиган сувнинг сифати гигиена талабларига ва давлат стандартларига мос бўлишини таъминлашлари шартлиги белгиланган.

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Республикаси хусусан, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни молиялаштириш масалалари республика ва маҳаллий бюджетлардан белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлар билан бир қаторда, Осиё тараққиёт банки ва бошқа қатор халқаро молиявий ташкилотлар томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш йўли билан амалга оширилмоқда. Жумладан, Осиё тараққиёт банки томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг сув тақчиллигидан зарар кўрган аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, минтақа аҳолисини сифатли ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек ресурсларни тежаш сиёсатини амалга ошириш ва Орол бўйида қишлоқ ичимлик сув таъминоти инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида 38 млн. АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратилган бўлса, Қашқадарё вилоятидаги қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминланганлигини тубдан яхшилаш мақсадида мазкур банк томонидан 15 млн. АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилган.

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган ҳужжатлар тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 12 июнда қабул қилинган «Қишлоқ туманлари ва шаҳарлари аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш ва табиий газдан тежамли фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазкур қарор республика қишлоқ туманлари ва шаҳарлари аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш, мазкур соҳалардаги лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва донор мамлакатларнинг имтиёзли кредитларини жалб этишни назарда тутади.

✸ Шарҳ



Айни пайтда «**Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**» Давлат дастурининг 1-бўлими «Қишлоқ аҳолисининг манфаатларини яна ҳам тўликроқ таъминлаш мақсадида қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш» масаласига бағишланган. Бунда асосий эътибор биринчи навбатда қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилмоқда. Мазкур Давлат дастурининг I бўлимида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига, жумладан, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳам назарда тутилган.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг III бўлими қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш асосида қишлоқдаги турмуш сифатини оширишга бағишланган. Мазкур бўлимнинг «в» бандида айнан қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга оид чора-тадбирлар белгилаб берилди. Унга мувофиқ 2009 йилнинг февраль-ноябрь ойлари мобайнида республикамиз миқёсида умумий узунлиги 1836 км. янги сув ўтказгич ва қувурлар тармоқлари қуриш, республиканинг 304 та қишлоқ аҳоли пунктларида сув таъминоти объектини реконструкция қилиш ва тиклаш ҳисобидан қишлоқда ичимлик суви таъминотини яхшилаш вазифалари белгиланган. Халқаро молия институтларининг қарз маблағлари ва кредитлари ҳисобига сув таъминоти бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаш ва республиканинг бошқа ҳудудларидаги қишлоқ аҳолисини тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳам ўз ифодасини топган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, республикамизда истиқомат қилаётган аҳолини хусусан, қишлоқ аҳолисини тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослар етарли даражада яратилган бўлиб, бу борада амалий ишлар ҳам изчиллик билан олиб борилмоқда.

Улуғбек АЛОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.

БОЛАЛАР МЕҲНАТИГА ОИД

қонунчилик такомиллашади

— Ушбу Конвенциянинг 2-моддасида ишга қабул қилишдаги энг кичик ёш умуммажбурий таълимни тугатган пайтдаги ёшдан паст ва ҳар қандай ҳолатда 15 ёшдан кичик бўлмаслиги белгиланган. Мазкур талаблардан келиб чиқиб, миллий қонунчилигимизга айрим ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш зарурати пайдо бўлди. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро Конвенция талаблари, хусусан, мажбурий умумий ўрта таълим ҳамда болаларнинг таълим олишига халақит берадиган ишлардан ҳимоя қилиш масалалари ҳисобга олинган. Бунда энг асосий вазифа болаларни жамиятдаги рақобатга бемалол кириша оладиган, билимли, соғлом авлод бўлиб камол топиши учун шароит яратишдан иборат.

Мажлисда таъкидландики, меҳнат ҳуқуқи ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид ўзгартишлар киритилиши натижасида миллий қонунчилигимиз халқаро меҳнат ҳуқуқи стандартлари ва таълим тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлаштирилади. Бу эса таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича норматив ҳужжатлар талаблари тўлиқ бажарилишини таъминлайди. 12 йиллик мажбурий таълимнинг назарда тутилгани ҳамда Ўзбекистонда умуминсоний қадриятлар, бола ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга доир давлат сиёсатининг амалга оширилиши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари бўйича Конвенцияси қўядиган халқаро мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлари қонун лойиҳасида қатор камчиликлар борлигини таъкидладилар. Айрим моддалари амалиётда муаммолар келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида фикр билдирдилар. Шунингдек, лойиҳани такомиллаштириш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ўртага ташланди.

Мажлисда Қонунчилик палатаси муҳокамасига иккинчи ўқишда киритилаётган «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур масала юзасидан сўзга чиққан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Насим Алимов лойиҳа биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланганидан сўнг унинг устида иш олиб борилганини билдирди. Хусусан, Ўзбекистон ХДП фракцияси ва депутатлари томонидан киритилган таклифлар, билдирилган фикрларнинг аксарияти ҳисобга олиниб, ҳужжат такомиллаштирилди.

Қонун лойиҳасида соҳадаги асосий тушунчалар аниқлаштирилмоқда. бошқарув тизими шакллантирилиб, тегишли давлат идоралари ва муассасаларининг ваколатлари, умуммажбурий тусдаги қонуности ҳужжатларини қабул қилиш тартиби, археология фаолиятининг назоратини молиялаштириш, соҳадаги халқаро ҳамкорлик, низоларни ҳал этиш ва бошқа масалалар белгиланмоқда. Депутатлар лойиҳада археология мероси объектларидан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар тўлиқ ёритилмагани, археологик мерос объектлари ва ашёларини давлат рўйхатига олиш ишларига аниқлик киритиш зарурлигини билдирдилар. Бошқа қатор камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳам таклифлар айтилди.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ Тиббиёт масканларида

Юрт осойишталиги, эл саломатлиги — жамият бойлиги. Аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, тиббий хизмат самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан малакали мутахассис кадрлар ҳамда шифо масканлари моддий-техник базасига боғлиқ.

«МАҚСАДИМИЗ – БЕМОРНИ ТИҒСИЗ ДАВОЛАШ»

дейди қорақалпоғистонлик олий тоифали шифокор Бахит Ихлосов

Мамлакатимиз ҳукумати, айниқса, Оролбўйи аҳолиси саломатлигини муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Нукусдаги 1-сон республика кўп тармоқли даволаш маркази таркибида хўжалик ҳисобидаги Урология маркази фаолият кўрсатмоқда. Марказ 30 ўриндан иборат. Бу ерда беморларга 3 нафар шифокор, 9 нафар ҳамшира тиббий хизмат кўрсатади.

Яқинда Халқаро Оролни Қутқариш Фонди ҳудуд аҳолиси генофондини сақлаш, саломатлигини муҳофазалаш дастури доирасида марказга Исроил давлати «Дайрекс Медикал системс» фирмасининг «Марекс» томография, «Нова», «Термекс» каби замонавий тиббий ускуналарини топширди.

— Марказга келганимда аҳволим оғир эди, — дейди кегейлилик Жақсилиқ Есемуратов. — Бир ҳафта даволандим. Имтиёзли бепул тиббий хизмат кўрсатишди.

— Мен Нукусдаги Тошлоқ маҳалласида яшайман, — суҳбатга қўшилди Ақбўта Қуйинбоева. — Буйрагим, жигарим оғриб қолди. Урология марказининг қўли енгил дўхтирлари ҳақида кўп яхши гаплар эшитиб юрардим, мана, даволанишга келдим. Айниқса, шифокор Бахит Ихлосовнинг қўли гул экан, мен у кишидан шифо топдим, раҳмат...

Марказда I-II гуруҳ ва болаликдан ногирон, II жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлари, шунингдек, пенсионерлар, кам таъминланган оила аъзоларига бепул даволаниши учун ордер берилмоқда.

Марказда бугунги кунда простата бези гиперплазияси (аденома) касаллигининг дастлабки ойларида беморлар аденомэктомия операциясига альтернатив равишда термекс-гипертермальтерапия аппаратида муолажа қилинади ва тиғсиз дарддан фориғ этилади.

— 2008 йилда марказимизда даволанган беморлар сони 2007 йилга нисбатан 50 нафарга камайди, — дейди олий тоифали шифокор, Марказ раҳбари Бахит Ихлосов. — Демак, меҳнатимиз ўз самарасини бермоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ИККИНЧИ МУДДАТ УЧУН

кураш олиб бормоқчи

Эроннинг амалдаги президенти Маҳмуд Аҳмадинажот иккинчи муддат учун номзод сифатида Ички ишлар вазирлиги қошидаги президент сайловини ўтказиш бўйича штаб томонидан расмий рўйхатга олинди.

Эроннинг «ИСНА» ахборот агентлиги манбаларига асосланиб «ИТАР-ТАСС» бу ҳақда хабар тарқатди.

Маълумотларга қараганда, Маҳмуд Аҳмадинажот шу кунларда Лотин Америкасига амалга ошириши мўлжалланаётган расмий ташрифини бекор қилди. У Бразилия президентидан узр сўраб, ушбу ташрифни июнда бўлиб ўтадиган президент сайловидан сўнг амалга ошириш мумкинлиги ҳақида хабардор этди.

Шундай қилиб, президент иккинчи тўрт йиллик муддат учун кураш олиб боради.

Номзодларни рўйхатга олиш шанба куни тўхтатилди. Номзодларнинг якуний рўйхати 20-21 май кунлари расмий эълон қилинади. Сайлов кампанияси эса 22 майдан бошланади.

Сайлов шу йил 12 июнда бўлиб ўтади.

Ўтган йили Эрон парламенти президентликка номзодлар учун меъёрларни қатъийлаштирган. Унга кўра, 40 ёшдан 75 ёшгача бўлган ва магистрликнинг даражасига ёки шунга ўхшаш даражага эга Эрон фуқаролари президентликка сайланиши мумкин.

Маҳмуд Аҳмадинажот 2005 йил июнда бўлиб ўтган сайловда 1989 йилдан 1997 йилгача мамлакатни бошқарган Акбар Ҳошими Рафсанжоний устидан ғалаба қозониб, президентлик курсисини эгаллаган.

ИНҚИРОЗ САБАБМИ, ЁКИ?..

армия хизматига отланувчилар ортиб бормоқда

Буюк Британия қуролли кучлари шахсий таркиби 2008 йилда сон жиҳатдан энг юқори даражага етди. Бирлашган қироллик Мудофаа вазирлигининг маълумотларига қараганда, дейилади «ИТАР-ТАСС» ахборотида, ўтган йили армияда хизмат қилишни хоҳлаб, шартнома тузганлар сони аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 7,1 фоизга ортган, яъни 2007 йилдаги кўрсаткичдан 20 минг нафарга кўпайган. Армия хизматидан бўшатилганлар сони эса 8,3 фоизга камайган, яъни шунча одам ҳарбий хизматни давом эттириш учун шартнома муддатини узайтирган.

Ҳарбий экспертларнинг таъкидлашларича, армияга борувчилар сонининг ўсиши давом этмоқда. Кейинги ярим йилда шартнома тузганлар сони аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 14 фоизга ошган. Ўсиш шу суръатда давом этса, шахсий таркиб бутлиги 2011 йилда 100 фоизни ташкил этади, яъни шахсий таркиб сони 101790 нафарга етади. Ҳозирча ўсиш суръати қайд этилаётган бўлса-да, ҳарбий хизматчилар етишмовчилиги сақланиб турибди — 97,2 фоиз.

Ёшларни армияга жалб этиш масаласи бўйича масъул, подполковник Пол Мелдоннинг айтишича, армияга борувчилар сонининг ортишига асосий сабаб молиявий-иқтисодий инқироз боис меҳнат бозорида рақобатнинг ўта кучайганлигидир.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотларни жорий таъмирлаш учун пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Иншоотнинг номи	Қуввати	Буюртмачининг бошланғич нархи (ҚҚС билан) млн.сўм	Буюртмачининг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) млн.сўм
Лот-1. Жорий таъмирлаш			
Лот 1-1. Бухоро шаҳридаги 2-сонли мактаб	960	91,027	75,856
Лот 1-2. Бухоро шаҳридаги 12-сонли мактаб	960	91,027	75,856
Лот 1-3. Бухоро шаҳридаги 16-сонли мактаб	960	91,027	75,856
Лот 1-4. Когон шаҳридаги 3-сонли мактаб	1250	99,262	82,718
Лот 1-5. Ғиждувон туманидаги 16-сонли мактаб	864	82,419	68,683
Лот 1-6. Ғиждувон туманидаги 19-сонли мактаб, 9х18м. спорт зали билан	864	82,419	68,683
Лот-2. Жорий таъмирлаш			
Лот 2-1. Қоракўл туманидаги 10-сонли мактаб	824	78,421	65,351
Лот 2-2. Қоракўл туманидаги 32-сонли мактаб	824	78,421	65,351
Лот 2-3. Когон туманидаги 21-сонли мактаб	834	83,373	69,478
Лот 2-4. Ромитан туманидаги 35-сонли мактаб	844	84,373	70,311
Лот 2-5. Қоровулбозор туманидаги 1-сонли мактаб	860	82,019	68,349
Лот 2-6. Шофиркон туманидаги 10-сонли мактаб, 9х18м. спорт зали билан	780	77,975	64,979

Мазкур иншоотларни фойдаланишга топшириш муддати — 2009 йил 1 август.

Қурилиш ишлари Республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 2-уй.
Тел: 224-32-62, 224-30-24, 224-20-73.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдорида айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона.
Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона.
***Тел:* 223-96-29, *факс:* 223-97-51.**

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда:
Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада бўлиб ўтади.

«SMS» ЖЎНАТАЁТИБ

ҳалокатга йўлиқди

АҚШнинг Массачусетс штатига қарашли Бостон метросида поездлар тўқнашуви юз берди. Натижада 40 дан ортиқ киши жабр кўрди.

Штатнинг транспорт бошқармасидан олинган манбаларга асосланиб, «CNN» телеканали хабар беришича, машинист шифохонада сўроқ қилинган.

Маълум бўлишича, у поездни бошқариб кетаётиб, мобиль телефони орқали танишига «SMS» жўнатмоқчи бўлган ва хаёли чалғиб олдидаги поездни кўрмай қолган...

Транспорт бошқармаси раҳбарияти ушбу фожиадан сўнг барча турдаги транспорт ҳайдовчилари учун ҳаракат давомида мобиль телефони ёки бошқа бирор нарсага чалғишни тақиқлади.

✸ Иқтисодиёт ва ислоҳот

«АГРОБАНК»: ИМКОНИЯТЛАР ЯНАДА КЕНГАЙДИ

Мамлакатимиз Президентининг «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган барча юртдошларимизни тўлқинлантириб юборди.

Зеро, унда иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан давом эттириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий корхоналар барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни амалиётга татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш зарурлиги белгилаб берилган.

Айтиш керакки, «Пахтабанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг «Агробанк» ОАТБ этиб қайта ташкил этилиши натижасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, корхоналар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхона ва компанияларини молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятлари янада кенгаймоқда.

Банкнинг қишлоқ хўжалиги барча соҳалари ходимларига кўрсатган иқтисодий ва молиявий мадади ошаяпти. Айниқса, унинг Бухоро вилоят бошқармаси томонидан бу борада кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бошқарма ўтган йил давомида ўзининг иш фаолиятини вилоят халқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, миллий валютамиз қадрини ошириш ва банк соҳасини такомиллаштиришга қаратилган ҳолда олиб борди.

Турли мулк шаклидаги 15280 тадан ортиқ юридик ва жисмоний шахслардан иборат мижозларга комплекс хизматлар кўрсатилди.

Вилоят бошқармасининг 11 та туманда филиал ҳамда 53 та мини банклари борлиги фаолият ҳажмини кенгайтириш учун қулай имконият яратмоқда.

Ҳозир жаҳоннинг аксарият мамлакатларида чакана тўловлар тизимида пластик карточкалар етакчилик қиляпти. Ҳисоб-китоблар қулайлиги, нақд пул айланмаси қисқариши ва хизмат кўрсатишга оид харажатлар камайиши, пул маблағларини сақлаш ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги — банк томонидан тарқатилаётган пластик карточкаларнинг асосий афзалликларидир. Бухоро вилоят бошқармаси эса пластик карточкаларни эмиссия қилиш борасида муайян ютуқларга эришмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиқиб, туман филиаллари томонидан хизмат кўрсатувчи савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 227 та терминал ўрнатилди, улар орқали 4961,8 млн. сўм маблағ айланди, шунингдек, 2018,5 млн. сўм маблағ пластик карточкаларнинг қолдиғидир. Ўтган йил давомида ташкилотларнинг 64675 ходими иш ҳақларини пластик карточкалар орқали олди. Ҳозир қадим Бухоронинг тарихий обидалари, бозорлар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига терминаллар ўрнатиш давом этмоқда.

Иқтисодиётнинг реал секторига кўплаб имтиёзли кредитлар ажратилди.

Жами кредит қўйилмалари жорий йил бошида 43 млрд. 187 млн. сўмни ташкил этди.

2009 йил 1 январь ҳолатида жами инвестиция кредитлари қолдиғи 28 млрд. 187 млн. сўм бўлиб, ўтган йил давомида ушбу йўналиш бўйича 10 млрд. 610 млн. сўмлик кредитлар берилди.

Бугунги кунда 53 та мини банк орқали 2410 мижозга, шу жумладан, 1648 та фермер хўжаликларига банкнинг барча хизмат турлари кўрсатилмоқда. Мини банк мижозларига йил давомида 19 млрд. 239.3 млн. сўм кредитлар ажратилди.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ўтган йил давомида 6 млрд. 697.6 млн. сўм миқдоридаги кредитлар ажратилди.

Ушбу кредитларнинг 83 фоизи узоқ, 17 фоизи эса қисқа муддатли бўлиб, улар ҳисобига 885 та янги иш ўринлари яратилди ҳамда 2203,6 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Маълумки, кичик бизнесни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмасдан, оила фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, кўплаб оилаларда энди кичик бизнесга асосланган оилавий тадбиркорлик ривожланиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аҳолининг, айниқса, оилаларнинг турмуш шароитини, яъни фаровонлигини яхшилаш учун тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 751 нафар тадбиркорга 643,8 млн. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Европа Тараққиёт ва Тикланиш банки йўналишлари бўйича берилаётган кредитларнинг миқдори 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига 651,3 млн. сўмни ташкил этган, яъни режа 106 фоизга бажарилган.

Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 349 нафар фуқарога 486,1 млн. сўм, «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси» маблағлари ҳисобидан 193 нафар фуқарога 215,9 млн. сўм чорва моллари сотиб олиш учун кредитлар ажратилди.

Йирик лойиҳаларни молиялаштиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Бухоро туманидаги «Bukhara Golden Fruit» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси 2008 йил мавсуми давомида мева концентратлари ва томат пастаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида вилоят ёшларини ишга жалб қилиш мақсадида мавсумий ва доимий ишлаш учун юздан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Агрофирма томонидан ишлаб чиқариш бошланганидан буён кредит ҳисобидан етказилган ускуналар орқали 5946,9 тонна ўрик, шафтоли, олма маҳсулотларидан мева концентратлари ва помидор пастаси ишлаб чиқариш жараёнида жами салкам икки миллиард сўмлик маҳсулот етиштирилди.

Шундан, 2094 тоннаси 928 минг 489 АҚШ доллари ҳисобида экспортга чиқарилди ва 570 тоннаси 334 млн. 480 минг 550 сўмлик мева концентратлари ва томат пастаси товар хомашё биржаси орқали чет давлатларга, яъни АҚШ, Хитой, Туркия, Россия, Украина ва Қозоғистон давлатларига сотилди. 2137,5 тонна мева концентрати эса республика ички бозорига етказиб берилди.

«Бухоро Гилам» корхонасининг мурожаатига кўра Германиядан 2 та замонавий гилам ишлаб чиқариш (ALFA 360) ускунасининг харид қилиниши масаласига доир кредит ҳужжатлари банк бошқаруви кредит қўмитаси аъзолари томонидан ўрганиб чиқилди. 2009 йил 1 январь ҳолатидаги молиялаштирилган суммаси 1620000 (бир миллион олти юз йигирма минг) АҚШ долларини ташкил этади.

Президентимизнинг иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш дастури тўғрисидаги Фармони ижросини таъминлаш ҳамда 2007-2009 йилларда инвестицияларни кенгроқ жалб этиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш дастурига мувофиқ «Бухоро темир бетон заводи» корхонаси негизида шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида 222.0 млн. сўмлик инвестицион кредит ажратилиб, бунинг натижасида 45 та қўшимча иш ўринлари яратилди.

«Севинч Чашмаси» агрофирмасида яхна ичимлик ишлаб чиқариш мақсадида 50.0 млн. сўмлик инвестицион кредит ажратилди. Натижада корхонада қўшимча 20 та иш ўрини яратилди. Шунингдек, бошқарманинг Янгибозор бўлими мижози бўлган «Асад Тўхта» фермер хўжалиги негизида мева-сабзавотни қайта ишлаш, қуритиш ва қадоқлаш цехи ишга туширилди. 186.0 млн. сўмлик инвестицион кредит бўйича молиялаштириш ишлари амалга оширилиши натижасида корхонада қўшимча 25 та иш ўринлари яратилди.

Банк жараёнлари бўлими ҳамда Ғиждувон филиали томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йил бошидан буён жами 61 та лойиҳа молиялаштирилган бўлиб, унинг суммаси 651,3 млн. сўмни ташкил этади.

Банк бошқармаси жамоаси Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан, пахта ва ғалла маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарига кредит бериш ва молиялаштириш механизмларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бундан ташқари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқаришга чет эл технологиялари ва ускуналарини жалб этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан барқарор таъминлаш йўлида муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

❖ Баркамол авлод орзуси

ҲУНАРИ БОР КАМ БЎЛМАЙДИ

Самарқанд шаҳридаги вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази ёшларнинг севимли масканига айланган. Бу ерда бадиий-амалий йўналишдаги зардўзлик, миллий каштачилик, рубоб, чанг, доира, миллий рақс тўгаракларида синфари жами 54 та тўгаракда уч минг нафарга яқин ўқувчи ҳунар ўрганмоқда.

— Айни пайтда бу ерда 80 нафар педагог ходим фаолият кўрсатади, — дейди марказ директори Гулшода Бобожонова. — Тўгаракларга таниқли уста ва тажрибали ўқитувчилар жалб қилинган. Уларнинг меҳнати туфайли ёшларимиз нафақат вилоят, балки республика миқёсида ўтказилган «Менинг мўъжаз Ватаним», «Спорт — тинчлик элчиси», «Ёш ҳунармандлар», «Ёш рақҳосалар», «Болалар театри», «Осиё тароналари», «Ёш мақомчилар» каби ўнлаб танловларда, «Янги авлод» фестивалларида муваффақиятли қатнашиб келишмоқда.

Жумладан, «Авиамоделчилар» тўгараги раҳбари Николай Жуковнинг шогирдлари Зокир Қўчқоров, Умид Алимовлар «Хонада учувчи моделлар» бўйича республика танлови ғолиби бўлишди. Яқинда Наманганда бўлиб ўтган «Ўзбек миллий рақслари» республика фестивалида бизнинг «Жаноно» миллий рақс дастамиз бош совринни қўлга киритди.

— Мажмуада таълим тизимининг 3 тури фаолият кўрсатаётгани учун «Таълим тўғрисида»ги Қонунга асосан жорий йилдан бошлаб, масканимизга янги типдаги «Ўқув тарбия мажмуаси» мақоми берилди, — дея суҳбатга қўшилди директор ўринбосари Гулнора Суярова. — Биргина мактабга тайёрлайдиган «Камолот» марказимиздаги инклюзив таълим тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Ўғлим Амир Ҳамидов учинчи синфда ўқийди, — дейди Мая Тошпўлатова. — У иккинчи гуруҳ ногирони, техник моделлар тўгарагига қатнашади. Фарзандим бошқа ўқувчилар билан тенг имкониятдан фойдаланган ҳолда билим олаяпти, ҳунар ўрганмоқда. Буларнинг барчаси унга мадад бўлаяпти.

— Зардўзлик тўгарагида 40 нафар қиз касб сирларини қунт билан эгаллаяпти, — дейди тўгарак раҳбари, вилоятлараро «Усто» бирлашмаси аъзоси Зулайхо Рустамова. — Улар турли миллат вакиллари. Бундан фақатгина ғурурланишимиз лозим.

— Мажмуа қошидаги тўгаракларни маҳаллаларда ҳам ташкил этишга ҳаракат қилаяпмиз. Охирги вақтда биргина Самарқанд шаҳридаги 20 та маҳаллада тўгаракларимиз фаолият кўрсатмоқда, — дейди мажмуа директори ўринбосари Любовь Бубнова. — Ҳозирда шаҳримиздаги «Хаймари боло», маҳалласидаги зардўзлик тўгарагида 45 нафар, «Ипакчи» маҳалласидаги миллий каштачилик тўгарагида 65 нафар, «Чоршанби» маҳалласида эса 70 нафар қиз бичиш-тикиш сирларини ўрганмоқда. Дилафруз Хўжақулова, Баҳора Рустамова сингари тўгарак раҳбарлари шогирдлари республика ва вилоят миқёсида ўтказилган танловларда ғолиб чиқишмоқда.

Ҳунарли одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Ҳаётда ўз ўрнини топиб кетади. Буни болаларга алоҳида тушунтирамиз.

— Республика халқ таълими тизимида жорий этилаётган узлуксиз таълим жараёни мажмуада тўлиқ ифодасини топган, — дейди мажмуа маънавият-маърифат бўлими мудири, ЎзХДПнинг мажмуадаги БПТ раиси Малоҳат Мардиева. — Саксон нафар ходимимизнинг 28 нафари ЎзХДП аъзоси.

Ахборот-ресурс марказида партиянинг Низоми, Дастури, БПТнинг фаолият режаси, депутатлар билан ўтказилган суҳбатлар битилган йиғма жилди, партиямиз фаолиятини тарғиб қилувчи плакатлардан иборат мўъжазгина бурчак ташкил этилган.

Йиғма жилдлардан бирини варақлаймиз, унда йил давомида бажарилиши лозим бўлган вазифалар, ўтказиладиган тадбирлар қайд этилган.

— Марказнинг 3 мингдан зиёд китоб фонди бор, — дейди суҳбатдошимиз. — Бундан ташқари, бу ерда шоир, ёзувчилар иштирокида адабий-бадиий кечалар, мушоиралар ўтказиш анъанага айланган. Марказдаги компьютерларда айрим китоб ва ўқув қўлланмаларининг электрон нусхаси ҳам бор. Ўқувчиларимиз улардан исталган вақтда фойдаланишлари мумкин.

Ушбу маскан ўн йилдан бери республика ўқувчилар ижодиёти саройлари ўртасида энг намунали марказ деб эътироф этиб келинмоқда. Бу ерда амалга оширилаётган ишларни кўрган киши бунга иқрор бўлади.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Дилмурод ТЎХТАЕВ олган суратлар.

✸ Спорт

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА



Намангандаги «Паҳлавон» спорт мажмуида теннис бўйича Дэвис кубоги баҳслари ўтказилди. Норасмий жаҳон чемпионати саналган мазкур мусобақада юртимиз теннисчилари Япония терма жамоасига қарши кортга чиқдилар.

Баҳсларнинг дастлабки кунида мамлакатимизнинг биринчи ракеткаси Денис Истомин кунчиқар юртнинг етакчи теннисчиси Юичи Сугита билан бўлган ўйинда уч сетни ҳам ўз фойдасига ҳал қилди — 6/3, 6/2, 6/2. Терма жамоамиз бош мураббийи Пётр Лебедь Тацума Итога билан кечадиган баҳсда иқтидорли теннисчимиз Фаррух Дўстовга ишонч билдирди. Дастлабки икки сетда ҳамюртимиз рақибига нисбатан тажрибалироқ эканини (6/4, 6/3,) намойиш этди. Аммо учинчи сетда япониялик теннисчи учрашув беш сетгача давом этиши мумкинлигини эслатиб, Фаррухни 3/6 ҳисобида енгди. Вазиятни тўғри баҳолаган ҳамюртимиз баҳсни узоқ чўзиб ўтирмасдан тўртинчи сетни ҳам ютиб олди ва терма жамоамиз ҳисобига иккинчи муҳим ғалабани туҳфа қилди — 6/4.

Мусобақанинг иккинчи кунида ўтказилган жуфтлик учрашувини ҳам вакилларимиз Денис Истомин ҳамда Фаррух Дўстовлар кўтаринки кайфиятда давом эттиришди. Гарчи, дастлабки икки учрашувда имкониятни бой беришган бўлса-да, кунчиқар юрт теннисчилари ҳам мардонавор баҳс юритишди. Буни учрашувнинг беш сет давом этганлиги ҳам кўрсатиб турибди — 6/7, 6/3, 7/3, 3/6, 6/3.

Умумий ҳисобда (3:0) муддатидан илгари ғалабани накд қилган терма жамоамиз мутахассислари баҳсларнинг сўнгги кунида ёшларни синовдан ўтказишди. Унда гарчи, вакилларимиз Мурод Иноятов ҳамда Важа Узоқовлар рақибларига ютқазиб қўйишган бўлса-да, бу якуний натижага таъсир қилмади — 3:2.

Шундай қилиб, бу йилги мавсумни муваффақиятли давом эттираётган Ўзбекистон теннисчилари Осиё-Океания минтақасида етакчилардан эканликларини яна бир марта исботлашди. Дастлабки босқичда Жанубий Корея ракеткачиларидан устун келган вакилларимиз бу гал Япония терма жамоасини доғда қолдирдилар. Энди теннис усталаримиз шу йилнинг 18-20 сентябрида бўладиган Жаҳон лигаси «плей-офф» баҳсларида иштирок этишади.

ПЕШҚАДАМЛАРНИНГ ҒАЛАБАЛАРИ

Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати профессионал футбол лигасининг 9-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Дастлаб 8 май куни турнинг беш учрашуви ўтказилди. Унда Қаршининг «Насаф» футболчилари Самарқанд динамочилари билан дурангга имзо чекишди — 0:0.

Мубораканда воҳадошлар «Машъал» — «Шўртан» жамоалари ўзаро «ҳисоб-китоб» қилиб олди. Муросасиз кечган бу учрашувда меҳмонлар ғалаба қозонди — 1:2.

Мавсум бошидан аксарият жамоаларни сергак тортишга мажбур қилган Урганчнинг «Хоразм» футболчилари бу гал «Олмалиқ» вакиллари билан дуранг ўйнади — 1:1. Бекободда ўтган «Металлург» — «Локомотив» жамоалари баҳсида ҳам худди шу ҳисоб қайд этилди.

10 май куни қолган уч учрашув бўлди. Тошкентнинг «Бунёдкор» футболчилари ўз майдонларида «Бухоро» жамоасига ҳеч қандай имконият қолдирмади — 4:0.

Дастлабки турларда кутилмаганда очко йўқотган пахтакорчилар Осиё чемпионлар лигасидаги каби мамлакат чемпионатида ҳам аста-секин ўз ўйинларини топа бошлаган кўринишади. Охирги турда Зарафшонда «Қизилқум» жамоаси меҳмони бўлган Виктор Жалилов шогирдлари мезбонлар дарвозасига жавобсиз бешта тўп йўллашнинг уддасидан чиқишди — 0:5.

Фарғонада ўтган водий «дерби»си ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди. Унда «Нефтчи» вакиллари «Андижон» жамоасини икки маротаба ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур қилдилар — 2:0.

Бир сўз билан айтганда, 9-турда қайд этилган натижалар чемпионат жадвалига деярли ўзгариш киритмади. Чемпионат пешқадамлари саналган «Бунёдкор», «Пахтакор» ва «Насаф» жадвалда ўз ўрниларини сақлаб қолишган бўлса, «Сўғдиёна», «Нефтчи», «Шўртан» жамоалари эса мавқеларини бирмунча мустаҳкамлаб олдилар.

Эркин ХОЛБОБО

❖ Қинғир иш — келтирар ташвиш

НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД БУЮРМАЙДИ

ёки эгри йўллар билан бойлик орттирмоқчи бўлганлар ҳақида

Тўғрисини айтганда, орамизда солиқнинг аҳамиятини тушунмасдан уни тўлашни пайсалга солаётган ёки даромадини яшириб тўловлардан бўйин товламоқчи бўлганлар учраб турибди. Бундайларга қарши қонуний чоралар кўрилаётир. Жумладан, Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Наманган вилоят бошқармаси томонидан солиқ соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш, солиқ интизомини мустаҳкамлаш ҳамда давлатга етказилган зарарни тўлиқ ундириш, шунингдек, яширин иқтисодиётни бартараф этишга қаратилган изчил тадбирлар ўтказиляпти.

Фуқаролар Б.Исомиддинов, Ф.Жаббаров ва Д.Жаббаровлар олдиндан жиноий тил бириктириб, бир нечта хўжалик юритувчи субъектларни ташкил қилиб, савдо фаолияти билан шуғулланиб келишгани аниқланди. Улар савдо қоидаларини бузиб 5 млрд. сўмлик накд пулнинг банкдан ташқари ноқонуний айланмаларини амалга оширишган. Шунингдек, амалга оширган савдо фаолиятлари юзасидан ДСИга топширган ҳисоботларида товар айланмалари миқдорини камайтириб кўрсатиш йўли билан жами 614,4 млн. сўм миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган. Айланма маблағларни эса ўзлари томонидан янги ташкил этилган бошқа юридик шахсларнинг устав жамғармасини шакллантириш, молиявий ёрдам ёхуд пай бадали тариқасида киритишиб, жиноий йўл билан топилган 910,0 млн. сўмлик даромадларини легаллаштириб келишган.

Давлат рўйхатидан ўтган, аммо фаолият юритмаган ва банкда ҳисоб рақами очмаган «Сифат қурилиш савдо» МЧЖни тугатишда Наманган шаҳар ҳокимлиги корхоналарни тугатиш махсус комиссияси мансабдор шахслари ўз вазифаларига совуққонлик билан қарашган. Гап шундаки, 2008 йил 27 июнда тугатилган ушбу жамиятнинг муҳр ва штампини олиб, йўқотиш учун ички ишлар органига топширишмаган. Натижада жамият раҳбари Б.Мансуров Наманган шаҳридаги Халқ банки ва Турон банкларда ҳисоб рақам очиб, ноқонуний фаолият кўрсатган. У 1 млрд. 568 млн. сўмлик савдодан тушган пулларни банкка топширмай давлат манфаатларига жиддий зиён етказган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Ёш болаларга нафақа пуллари тайинлашда ҳам қонунбузарликлар учраб турибди. Жумладан, Наманган туманининг Хўжақишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини котиби Х.Раҳманов таъмагирлик қилишдан уялмади. У фуқаро С.Каримовдан 2 ёшгача бўлган болалар нафақасини тайинлашда ёрдам бериш эвазига 50,0 минг сўм пулни пора тариқасида олаётган вақтида ушланди. Суриштирувда маълум бўлдики, Х.Раҳманов муқаддам бошқа фуқаролардан ҳам пора олган экан.

Хуфиёна иқтисоднинг асосий кўринишларидан бири бўлган яширин ишлаб чиқариш цехлари фаолиятини аниқлаш ва барҳам беришга қаратилган тадбирлар мунтазам ўтказиб келиняпти. Жорий йилнинг биринчи чорагида 21 та яширин цех фаолиятига чек қўйилди.

Ҳуқуқбузарлардан 12,3 млн. сўмлик истеъмолга яроқсиз маҳсулот ва ишлаб чиқариш ускуналари далилий ашё сифатида олинган.

Хусусан, фуқаро А.Ваҳобов ўз хонадонида яширин цех ташкил этиб, санитария талабларига жавоб бермайдиган шароитда пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқараётганлиги фош этилди. Тадбир давомида тайёр пахта ёғи ва бошқа товарлар ашёвий далил сифатида олинди.

Поплик Э.Юлдашев эса ўз уйида яширин цех ташкил қилиб, қўлбола ароқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйган экан. У истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлган қўлбола усулда тайёрланган қалбаки акциз маркали 90,0 минг сўмлик ароқни сотиш учун олиб кетаётганда ушланди. Энди у қонун олдида жавоб беради.

Бундан ташқари, ички бозоримизни қалбакилаштирилган, сифатсиз, давлат рўйхатидан ўтмаган дори-дармон воситалари ҳамда тиббий буюмлардан ҳимоялаш мақсадида ўтказилган тезкор-таҳлилий ва қидирув тадбирлари натижасида 4 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди. Наманган шаҳрида ўтказилган тадбирда фуқаро М.Абдураҳманов оҳак ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи яширин цех ташкил этганлиги аниқланди. Санитария талабларига мутлақо жавоб бермайдиган цехда қандолат маҳсулотлари билан бирга 4,0 млн. сўмлик Ҳиндистон давлатида ишлаб чиқарилган «Метрид-100мл» номли тиббий дори-дармон воситалари ашёвий далил сифатида олинган.

Мамлакатимизда ҳалол ишлайман, тадбиркорлик қиламан деганлар учун имконият ҳам, ҳуқуқий асослар ҳам етарли. Янги иш ўринлари очишга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Департаментимиз ходимлари аҳоли ўртасида олиб бораётган тушунтириш ишлари натижасида 198 нафар фуқаро тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, муқим иш ўринларига эга бўлишди.

Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари иш фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун уларга банклардан 73,7 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Афсуски, орамизда қонунни бузувчилар ҳамон учраб турибди. Улар бир нарсани англашлари керак. Ноқонуний даромад буюрмайди. Эртами-кечми фош этилади. Ўшанда қонун олдида жавоб беришга тўғри келади.

Фарҳод ЗУФАРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Наманган вилоят бошқармаси бошлиғи.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгаши Оҳангарон шаҳар партия фаоли **Саттор ОРИПОВ**нинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
13111 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 21.45
Topshirilgan vaqti — 23.45
7 8
Sotuvda erkin narxda